
ЎҚУВ СЕМИНАР ТАШКИЛЛАНДИ

Туман ҳокимлиги мажлислар залида тумандаги ҳоким ёрдамчиларини фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ўқув семинар бўлиб ўтди.

Ўқув семинарда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги масъул ходими Музаффар Абдурахимов, туман ҳокими Дилшоджон Джалилов ҳамда 33 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳоким ёрдамчилари иштирок этдилар.

Семинар давомида тизимдаги камчиликлар ва уларни ижобий ҳал қилиш бўйича таклифлар, аҳоли вакиллари билан ишлаш жараёнида нималарга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги, ўтган давр мобайнида қилинган ишлар таҳлили ва келгусида амалга оширилиши режалаштирилган ишлар муҳокама қилинди.

Муҳокама давомида ҳоким ёрдамчилари фаолият жараёнида ўзларини қийнаб келаётган саволларга масъуллар томонидан жавоблар берилди.

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2022-11-29 15:08:18